

<https://adolat24.uz/>

t.me/Gazeta_Adotat

www.adolat.uz

info@adolatgzt.uz

ADOLAT



QR коди орқали газетанинг электрон вариантни юклаб олинг!

ЎТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА



АДОЛАТ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚ ТАЪМИНЛАНИШИГА ЭРИШАМИЗ

Янги Ўзбекистонда халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар, янгиланишлар замирида фуқароларнинг янги таҳрирдаги Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатларини рўйбга чиқариш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадлари мужассам.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Рабахон Махмудованинг Қашқадарё вилоятига сафари Қарши аэропортида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти иш фаолияти билан танишувдан бошланди.

Дарвоқе, бошланғич партия ташкилоти партиянинг асосий таянчи, бўғини ҳисобланади. Партия ишини юқори поғонага кўтариш, тарғибот тадбирларини, партия лойиҳаларида илгари суриляётган гоёларни кенг халқ оmmasига етказишда БПТнинг ўрни катта бўляётир. Қарши аэропорти БПТсига 30 нафар "Адолатчи" уюшган. Партия фаоллари жамоатчилик фикрининг шаклланишида, аҳолининг турли қатлами қонуний манфаатини мустақкам ҳимоя қилишда намуна бўлишяётир. Бундан ташқари, БПТ аъзолари партиявий ишларни янада жонлантириш учун ижтимоий-сиёсий йўналишларда юқори партия ташкилотига тақлифлар беришда ҳам ўзгача фаоллик кўрсатишяпти. Улар янги таҳрирдаги Конституция тарғиботи, демократик жамият пойдевори ҳисобланган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, БПТ фаолиятини

янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Партия раҳбари БПТ иш фаолияти билан яқиндан танишаркан, аъзолар сонини кескин кўлайтириш, партия лойиҳалари доирасидаги тадбирлар сифатини яхшилаш, одамларнинг ҳар бир мурожаати эътибордан четда қолмаслигини таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Қарши аэропортида партия раҳбари Рабахон Махмудова "Адолат" СДПга аъзо бўлиш истагида ариза топширган Диана Хусанова, Тамила Ҳикматова, Эрали Жўраев, Рустам Бойназаров каби 10 нафар ходимларга аъзолик гувоҳномаларини тантанали равишда топширди.

Биз сиёсий кучга янги аъзо бўлган фуқаролар билан суҳбатда бўлдик. — Менга "Адолат" СДПнинг жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, барча соҳада очиқлик, ошқоралик, шаффофлик ва тенг ҳуқуқликни таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари ёқади, — деди Зухриддин Усмонов. — Шу тўғрисида ҳам "Адолат"ни танладим. Ҳеч иккиланмасдан аъзо бўлдим.



ЮНЕСКО Бош конференцияси сессиясига мамлакатимиз мезбонлик қилиши ЎЗБЕКИСТОН УЧУН КАТТА ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТДИР

Самарқандда бўлиб ўтадиган анжуманнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, у ЮНЕСКО ташкил топганининг 80 йиллик юбилейи билан ҳамроҳанг тарзда ўтказилляди. Шу аснода тузилманинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олиняди. Қолаверса, ЮНЕСКО янги Бош директорининг айнан Самарқанд шаҳрида сайланиши ҳам бўляжак анжуманнинг нуфузини янада оширляди.



Қарор ва ижро



Депутатлар ташаббуси



Электр токи билан балиқ овлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш тақлиф этилмоқда

Биз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, балиқ овлашнинг бундай ноқонуний усулига бутунлай чек қўйиш пайти келди, деб ҳисобляимиз. Ҳозирда ишчи гуруҳ тузган ҳолда электр токи ёрдамида балиқ овлаганлик учун жазо чораларини кучайтириш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига алоҳида модда киритиш масаласи ўрганиб чиқилмоқда. Тез орада бундай манфур усулда балиқ овлаш жиноят сифатида малака қилинса, ажаб эмас.



Хабарингиз бор-ми, нархлар ошди!



Бугуннинг гапи

“СЕРИАЛЛАР ХОТИНИМНИ АСАБИЙ ҚИЛИБ КЎЙДИ”

Ҳафтанинг бир куни “сериалларсиз кун” деб белгиланса...

«Сериаллар қайси давлатники бўлишдан қатъи назар, муносабатим яхши эмас, — дейди адабиётшунос Муҳайё Йўлдош. — Чунки давомий бўлган нарсанинг бошқарувда аҳамияти катта. Одамни эргаштириш, фикрини ўзгартириш, тарбияси, ахлоқига таъсир қилиш йўли давомли жараёндр. «Томчи тошни тешади», деган мақол бежиз эмас. Мен сериалларни заҳарли томчиға ўхшатаман. Исталган миллатни ўз қиёфасидан, ахлоқий тутумларидан, қонуниятларидан, қадриятларидан бегона қилади».





АДОЛАТ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚ, ТАЪМИНЛАНИШИГА ЭРИШАМИЗ

**Комил САХАТОВ,
Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

1 Дарвоқе, шу кун республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилоят филиали ва Қашқадарё вилоят кардиология марказида ҳам Робохон Махмудова иштирокида тиббиёт ходимлари билан учрашув ташкил этилди. Унда Робохон Махмудова партиянинг депутатлиги кўпчилиги қисмини ташкил этадиган тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза этиш, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳани халққа янада яқинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тушунча берди. Учрашув якунида иккала тиббиёт муассасасида 60 нафар саломатлигимиз посбонлари "Адолат" СДП аъзоси бўлишди. Уларга аъзолик гувоҳномаларини Робохон Махмудова топширди. Иккала тиббиёт муассасасида ҳам партиянинг янги бош-

ланғич ташкилотлари тузилди ва унинг раислари ҳам сайлаб олинди.

Робохон Махмудова қашқадарёлик партиядошлар томонидан сиёсий куч дастурий мақсад вазифаларининг амалга оширилиши, белгиланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишиш учун вилоят кенгаши биносига фаоллар билан мулоқот қилди. Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, партиянинг туман, шаҳар кенгашлари раислари, фаоллар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Учрашувда вилоят кенгаши ўз фаолиятини партиянинг Устави ва Сайловолди дастурида илгари сурилган вазифаларга мос ҳолда ташкил этаётгани қайд этилди. Шунингдек, партия ташкилотларида партиявий интизомни мустаҳкамлаш, аъзолар сонини янада ўстириш, халқ орасида кўпроқ нуфузга эга бўлиш учун

бошланғич ташкилотлар ишини кескин кучайтириш, кадрларни танлаш, тарбиялаш, заҳирасини мустаҳкамлаш, аъзолик бадаллари тушуми режаси сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш, тарғибот-ташвиқот ишларини шу кун талаби асосида жонлангириш, "Адолат" СДП аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш каби бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Халқ иродаси, ўтказилаётган ислохотларга юрдошларимизнинг фаол муносабати орқалигина Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги мақсад ва вазифаларга эришиш мумкин. Албатта шу нарсанинг ўзи "Адолатчи"лардан масъулиятни янада оширишни тақозо этади.

– Бунинг учун кўпроқ одамлар орасида бўлиб, дарду-ташвиқотларини тинглаб, муаммоларини биргалликда ҳал этиш талаб этилади, – деди Робохон Махмудова. – Биз "Адолатчи"лар барча жабҳада фаол ва ташаббускор бўлмоғимиз лозим.


Партиянинг вилоят кенгаши томонидан "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида 250 дан ортиқ учра-

шув, тадбирлар ўтказилган. Мазкур ўрганишларда аҳоли томонидан 300 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Ушбу мурожаатлар асосида масъул идораларга 50 та депутатлик сўровлари юборилган. 43 та мурожаат эса ижро этувчи ҳокимият идоралари томонидан ҳал этилган. Қолганларига эса ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. Биргина шу йилнинг ўтган ойларида партиянинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида 59 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган.

Умуман олганда, партия ишчи гуруҳлари томонидан қилинаётган ишлар, эришилган ютуқларни эътироф этиш билан бир қаторда фаолиятдаги баъзи камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ижобий ҳал этиш, ҳуқуқий тарғибот кўламини кенгайтириш, ҳамкор ташкилотлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Партия етакчиси Робохон Махмудованинг вилоят аҳолиси ва партия фаоллари билан учрашувлари давом этмоқда.

Депутатлар ташаббуси



Электр токи билан балиқ овлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда

Ҳозирда ҳаётимизда учраётган иллатлардан бири – сув ҳавзаларида ноқонуний усуллар ёрдамида балиқ овлаш билан боғлиқ. Айниқса, электр токи ёрдамида балиқ овлаш оқибатида сувдаги жонзотлар қирилиб кетиши ҳолатлари содир бўлмоқда. Мутахасссларнинг фикрича, сувга электр токи юборилганда 10-15 метргача радиусдаги минглаб балиқчалар қирилиб кетади.

**Қ.ЖҲҲРАЕВ
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида "Яшил макон" лойиҳаси доирасида долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида биргина 2024 йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида 39 та ана шундай ҳолат аниқлангани таассуф билан қайд этилди.

Электр ёрдамида балиқ овлаш оқибатида наинки балиқлар, балки сувдаги барча катта-кичик жонзотлар қирилиб кетаётгани ўта ташвишланарли ҳолдир. Энг ёмони, бундай ҳолатлар ҳатто балиқларнинг увилдириқ қўйиш мавсумида, яъни балиқ овлашга тақиқ қўйилган пайтда ҳам кузатилаётгани дард устига чипқон бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, балиқ овлашнинг бундай қабиҳ усули қонунчилигимизда тақиқланган. Чунинчи, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида сув ҳавзаларида махсус рухсатномаларсиз балиқ овлаш тақиқланган ва балиқ овлашни амалга ошириш чоғида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қоидаларда тақиқланган қуролларни ҳамда овлаш усуллари қўллашга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 90-моддасида эса ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатилган.

Кўриб турганимиздек, қонунчилигимизда жазо чораларининг энгиллиги браконьерларга жуда қўл келмоқда. Улар "нари борса, жарима тўлаб қутуламан" қабилида иш қилмоқдалар.

Биз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, балиқ овлашнинг бундай ноқонуний усулига бутунлай чек қўйиш пайти келди, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирда ишчи гуруҳ тузган ҳолда электр токи ёрдамида балиқ овлаганлик учун жазо чораларини кучайтириш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига алоҳида модда қилиш масаласи ўрганиб чиқилмоқда. Тез орада бундай манфур усулда балиқ овлаш жиноят сифатида малака қилинса, ажаб эмас.

Ҳудудлар фаолияти ўрганилмоқда

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан партиянинг Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолияти кўздан кечирилди. Ўрганишлар жараёнида иш юритиш ҳужжатлари, ижро интизоми, кўйи бугунда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда ҳудудларга аъзолар сафини кенгайтириш, партия танилувчанлигини ошириш масалаларида амалий кўмак кўрсатилди.

Тахлиллий ва намунавий ўрганишлардан сўнг партия Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари И.Ҳамроев бошчилигидаги ишчи гуруҳ партия вилоят кенгашида йиғилиб, ўз олдларига аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олдлар. Йиғилишда сўзга чиққан Исрол Ҳамроев партия вилоят Кенгаши ўз сафида қарийб 70 мингга яқин аъзони бирлаштирганини, ушбу ишлар партия томонидан тизимли йўлга қўйилганини эътироф этиб ўтди.

Вилоят кенгаши раиси Ҳиммат Оқбўтаев "Адолатчи"лар ўз фаолиятларида партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш, партия лойиҳалари

асосида жамоатчилик орасида тарғибот тадбирларини ташкил этиш, аҳоли, электротар муаммоларига ечим топиш, партиянинг танилувчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиши лозимлигини қайд этар экан, жорий сайловлар йилида зиммамиздаги масъулият янада ошганлигини, сиёсий жараёнда ижобий натижага эришиш учун янада фаол иш олиб бориш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Вилоятдаги партиядошларимиз фаолиятини ўрганишни Булунгур туманидан бошладик. Утаан икки кун давомида тумандаги "Мега test1" МЧЖ қошида 52 кишидан иборат бошланғич ташкилот очилган бўлса, Жомбой туманида "Jomboy yashli chiroqlari" МЧЖда 68 нафар, Тайлоқ туманидаги "Аэробанк" филиалида 37 нафар, Урғут туманидаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти қошида 161 нафар, мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти Самарқанд туман бўлими ҳамда тумандаги "AGROMIR" масъулият чекланган жамияти қошида 400 нафардан зиёд, Самарқанд шаҳар юридик техникуми қошида 41 нафар аъзодан иборат партиянинг кўйи бугунги ташкил этилгани партиянинг омма орасига кенг кириб бораётгани, танилувчанлиги

ортиб бораётганининг далилидир, – деди Исрол Ҳамроев.

– Ҳар иш кунимиз сўнггида қилинган ишлар бўйича маълумот тайёрлаб киритар эканмиз, маълумотлар билан танишиб чиққан ишчи гуруҳ аъзоларидан: "Хўш, депутатлик гуруҳини жонлантириш учун қандай таклифингиз, партия нуфузини ошириш, аъзолар сонини кўпайтириш борасида қандай гояларингиз, мафкуравий йўналишда қанақа янги лойиҳаларингиз бор? Аёллар, ёшлар қаноти йўналишида яна нималарга эътибор берсак фаолиятимиз янада юксалади?" деган саволлар бўлди. Биз бундай саволларга ижобий жавоб қайтариш учун фаолиятимизга кенг қўламли янгиликлар киритишга ҳаракат қилаемиз, – деди партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Асқар Холиқов.

Йиғилиш давомида вилоятда партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари орасида ўзаро тажриба алмашиш тадбирларини ташкил қилиш, ўтган даврдаги фаолият таҳлили асосида иш юритиш тизимида йўл қўйилган камчиликларга аниқлик киритган ҳолда келгуси фаолият учун йўл харитасини ишлаб чиқиш юзасидан келишиб олинди.

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати



Таълим муассасаларида ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик" ижтимоий лойиҳаси амалиётга кенг татбиқ этилаётганлиги ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги таҳсинга лойик.

Ушбу лойиҳа ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда "Адолат" СДПнинг фаол иштирокини таъминлаш, партиянинг ёшлар сиёсатига доир гояларини рўёбга чиқариш, умумтаълим мактабларидаги ички тартиб-қоидаларни янада мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг кийиниш маданиятини юксалтириш, мақсадсиз пул йиғимларига чек қўйиш ҳамда мактаб ҳаётида жамоатчиликнинг роли ва самарадорлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

"Адолат" СДП Навбахор туман кенгаши томонидан тумандаги 19-умумтаълим мактабига Миллий гвардиянинг туман бўлимидан мактабга бириктирилган вакил, маҳалла фаоллари, ота-оналар ва ёшлар иштирокида ўтказилган "Ўқувчилар маънавияти ва кийиниш маданияти" мавзусидаги давра суҳбати аниқ шу мавзуга бағишланди. Унда дастлаб тадбир иштирокчилари ўқувчилар томонидан тайёрланган "Мактабимиз формаси" деб номланган

кўргазма билан танишишди.

Тадбирда таъкидланганидек, таълимга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг самарали бажарилишида муносиб иштирок этиш, таълим муассасаларида ва мактаб ўқувчилари орасида ижтимоий тенгликни таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш давр талабига айланди.

"Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик" ижтимоий лойиҳаси доирасидаги тадбирлар тумандаги бошқа таълим муассасалари бўйлаб давом этмоқда.

Навой вилоят кенгаши
матбуот хизмати

Шукроналик ҳисси билан яшайлик!

"Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Шахноза Ганиева ташаббуси билан Фарғона шаҳридаги "Муруват уйи"да бўлди.

Яшил макон



**Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби**

Бу ерда тарбияланаётган 250 нафардан зиёд ўғил-қизлар билан юзма-юз бўлиб, чин дилдан уларга олам-олам қувонч, тани сиҳатлик, бахт-икбол тиладик.

"Ҳар бир болажон қалбига нафосат улашиб" лойиҳаси доирасида "Муруват уйи" ҳудудида "Адолат боғи"ни ташкил этдик. Манзарали, мевали кўчалар эдик.

Биз шукронани унутиб қўймаймизми? Баъзан эса эҳсонни мақтанишга тенглаштириб қўймаймизми? Ўзини дунёга келтириб камолга етказган падари бузруквори, волидаи муҳтарамаси, жон жигарларидан дунёнинг чиркин мол-дунёси учун юз ўғирганлар орамизда йўқми? Тангри давлат билан сийлагани учун манмансираб, қўли юпун қўшнисидан орланган, иккита нон билан бемор яқинлари ҳолидан хабар олмайдиغانлар орамизда йўқ, деб айта олмаймиз-ку, ахир.

Депутатлик гуруҳларида

ИШОНЧ ва НАТИЖА

Жойларда қонун устуворлиги таъминланишида халқнинг ишончли вакиллари бўлган депутатлик гуруҳларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бугунги кунга келиб кўпчилик фуқароларимиз ўзларини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиш йўлида депутат билан бамавқат иш кўришни маъқул кўришмоқда. Ижобий ҳал этилаётган ҳар бир мурожаат халқнинг депутатларга бўлган ишончини янада оширмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари асосида мутасадди ташкилотларга киритилган депутатлик сўровларининг аксарияти ижобий ҳал этилмоқда. **Депутатлик гуруҳи раҳбари Гулзира Шарипова ва депутат Феруза Асадовлар** томонидан ижтимоий кўмакка муҳтож, 1-гуруҳ ногиронлари бўлган фуқароларимиз учун хонадонбай сайёр тиббий кўрик ташкил этилиб, тиббий кўрик назоратидан ўтказилганларга мутахассислар томонидан тегишли маслаҳатлар берилди ва зарурий муолажалар белгиланди. Шунингдек, депутатларимиз саъй-ҳаракатлари билан, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари доирасида шаҳарнинг "Металлург" ва "Муқимий" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд аҳоли хонадонларини жорий таъмирдан чиқариш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. "Навбахор", "Тадбиркор", "Муқимий", "Маданият" кўчаларида яшовчи аҳолининг ижтимоий аҳоли ўрганилганида, эҳтиёжманд оилалар борлиги аниқланди ва уларга кўмак тариқасида хонадонлари таъмирлаб берилди. Шаҳардаги "Металлург", "Обод турмуш", "Бобур", "Нурли йул" маҳаллаларидаги кўчалар ёқаларига "Яшил макон" умуммиллий дастури доирасида манзаралик ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Мақтабгача таълим муассасаларида яратилган шароитларни, уларнинг овқатланиши, ётоқхонаси ва вақтини кўнгилли ўтказиши учун яратилган шароитларини ўрганиш масаласи ҳар доим депутатлик сўровларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Урганиш мобайнида аниқланган камчиликларни бар-тароф этиш юзасидан эса тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда. Депутатлик гуруҳи аъзолари шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда "Меҳнат ярмарка"лари ташкил этиб, шаҳар аҳолиси ва ёшларни шаҳардаги корхона, ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринларига ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришда кўмак беришмоқда. "Ягона дарча" маркази билан биргаликда эса ёшларнинг ўз иш ўринларини очиши учун яққа тартибдаги тадбиркорликни ташкил этишлари амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Алоҳида эътироф этиб ўтиш кераки, депутатлар аҳолини ўйлантириб келаётган муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари киритиш масаласига алоҳида масъулият билан ёндашишди. Жумладан, "Металлург" маҳалласида ёғоч электр симёгочларининг амал қилиш муддати ўтиб, ёрилиб кетганлиги боис, жами 40 та симёгочни замонавий бетон симёгочларга алмаштириш бўйича депутатлик сўрови

киритилган бўлиб, ҳозирда мазкур мурожаат асосида янгилаш ишлари амалга оширилмоқда. "Металлург" маҳалласининг "Навбахор", "Ўқитувчилар", "Эзгулик", "Янги ҳаёт", "Беруний" кўчаларига асфальт ётқизибли, пиёдалар учун йўлақлар қурилиши ниҳоясига етди. Депутатлик гуруҳига деярли ҳар куни турли мавзуларда аҳоли мурожаатлари келиб тушади. Жумладан, "Зафар" шаҳарчасида истиқомат қилаётган бир гуруҳ фуқаролар маҳалла кўчаларининг таъмирталаб бўлиб қолганлиги юзасидан мурожаат йўллашган. Мурожаат юзасидан депутатлар томонидан Бекобод туман Кенгаши туман йўл қурилиш, ободонлаштириш бошқармалари, туман давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари номига депутатлик сўрови киритилди. Тез орада масъул ташкилотлар томонидан муаммо атрофича ўрганиб чиқилиб, "Гулистон", "Бўстон" маҳаллалари йўлларида қисқа фурсатларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жамиятимизда аҳоли ҳуқуқий онгини шакллантириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаларидан биридир. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишохотлар депутатлик гуруҳлари фаолиятида ҳам ўз аксини топган. Бекобод шаҳар ва Бекобод тумани маҳалла хотин-қизлар фаоллари билан ўтказилган ҳуқуқий семинар тренинг шулар жумласидандир.

Қолаверса, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами депутатлар томонидан қатъий назоратга олинди, мунтазам равишда, хасталанган, ногирон, қўлаб-қувватлашга муҳтож бўлганларга ижтимоий кўмак кўрсатиб келинади. "Металлург" маҳалласида ёнги чикиш оқибатида яқини ҳолга келиб қолган хонадонда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ёнги оқибатида жабр кўрган оила вакилларига «Ўзметкомбинат» АЖ томонидан уй таъмири учун 21 мингта гишт, маийши техника жиҳозлари, 6 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 5 миллион сўм пул микдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоларининг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари билан шаҳарда кўлаб муаммолар ижобий ечим топмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари вақтида ўрганилиб, мавжуд камчиликлар тез фурсатларда бартараф этилмоқда. Ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, маърифий тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Муаммолари самарали ечим топаётган фуқаролар эса ишончли вакиллardan миннатдор. Пировард мақсад, муддао ҳам шу: инсонларни рози қилиш, ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашлари имкон яратилиши иборатдир.

Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати

Худудлардан хабарлар

Ёшлар сафимизда



"Адолат" СДП Бухоро туман кенгаши раиси Миржон Ғофуров томонидан "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида Бухоро туманида муаммоларни ўрганиш жараёнида ёш тадбиркор Сухроб Раҳимов партияга аъзо бўлиш истагини билдирди.

– Сиёсий партиялар фаолиятини кузатиб бораман, – деди С. Раҳимов. – "Адолат" партиясининг фаоллари деярли ҳар ҳафта маҳалламизда бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишади. Айниқса, ёшларни қўлаб-қувватлаш менга маъқул бўлди. Шу сабаб партияга аъзо бўлишни ният қилдим. Энди мен ҳам "адолатчи"ман.

Мохигул РАХИМҚУЛОВА, Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Дилларга қувонч улашиб

Халқ депутатлари Избоскан туман Кенгаши депутати Дилфуза Ахмедова доим сайловчилар орасида. Айниқса, депутатимиз жойларда муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини топишда фаол. Шу сабабли сайловчилар доим унга ишонч билан қарайдилар.

Партиянинг "Саховат – беназир кадрият" лойиҳаси доирасида тумандаги Ойбек МФЙда бўлган халқ вакили ўзгалар кўмагига муҳтож ва имконияти чекланган фуқароларга эътибор қаратди, уларнинг саломатликларини ўрганди. Натижада депутат ташаббуси билан 5 фуқаро соғломлаштиришга йўналтирилди.

"Ариқ бўйи" кўчасида яшовчи болаликдан 1-гуруҳ ногирони, партия аъзоси Мунираҳон Абдулазизова ҳам партиядошимиз эътиборини тортиди. Мунираҳоннинг яшаш шароити ўрганилиб, унга моддий ёрдам кўрсатилди.

Депутатнинг хайрли ташаббусидан диллар қувонгча тўлди. Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди

Қораўзақ туманида "Адолат" СДП кенгаши томонидан тузилган ишчи гуруҳ аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ комплекслари, репродуктив саломатлик патронаж хизматларини ўрганди.

Ўрганиш натижаларига кўра, туман тиббиёт бирлашмасида 2024 йилнинг январь-февраль ойларида 174 нафар ҳомиладор аёл рўйхатга олинган. Уларнинг 94 фоизи аёллар скрининг текширувидан ўтказилган. Дори воситалари билан таъминланганлик 75 фоизни, тиббий буюмлар билан таъминланганлик эса 85 фоизни ташкил қилмоқда.

2024 йилнинг дастлабки икки ойида 5359 нафар ёш бола чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган. Хасталик аниқланган 1847 нафар боланинг 1734 нафари амбулатор ва 105 нафари стационар шароитларда даволанишмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Депутат ва ёшлар

"Адолат" СДП Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда Самарқанд Агроинновациялар ва тадқиқотлар институтининг ҳамкорлигида институт талаба ёшлари, профессор ўқитувчилари ҳамда депутатлар иштирокида "Депутат ва ёшлар" учрашув ташкил этилди.

Лола САЙИДОВА, партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Учрашувда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлари Инобат Бобоқуллова ҳамда Нигора Рабимовалар мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида, амалга оширилаётган ишохотлар уларнинг қилган инсон бўлиб улғайишлари йўлидаги саъй-ҳаракатлар, барча соҳаларда ёшлар қўлаб-қувватланаётгани, таълим олиш, касб-хунар сирларини эгаллаш йўлидаги имкониятлар, қонунчилик



даги янгиликлар хусусида сўз юритилди. Ўз навбатида ёшлар ҳам берилаётган эътибор ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида нуфузини ошириш йўлида янги ҳаёт ва ташаббуслар билан чикиши, олдидан катта марралар қўйиб ҳаракат қи-

лиши зарурлигини таъкидлашди. Депутатлар ўз чикишларида ёшларда ёрқин келажакка ишонч ҳиссини ошириш, аниқ мақсадларни қўйиш борасида тавсиялар беришди. Очiq мулоқот тарзида ташкил этилган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан депутат-

ларга мурожаат қилишди. Фирқ-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган учрашув сўнггида фаол ёшларга партия томонидан ташаккурнома ва совғалар топширилди, олий таълим муассасаси ва депутатлар ҳар чорада шу каби учрашувлар ташкил этиш борасида келишиб олишди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2023 йилги Устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларининг ижроси ва 2024 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Партиянинг 2023 йил бошига жами маблағлар қолдиғи 513 млн 969 минг сўм бўлиб, шундан, бюджет ҳисоб рақам қолдиғи 259 млн 901 минг сўм, бюджетдан ташқари ҳисоб рақам қолдиғи 252 млн 90 минг сўм ҳамда корпоратив ҳисоб рақам қолдиғи 1 млн 978 минг сўмни ташкил қилган.

2023 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 29 млрд 112 млн 91 минг сўм маблағ келиб тушди. Шундан, 16 млрд 560 млн 50 минг сўми партия уставига назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари, 4 млрд 913 млн 750 минг сўми Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови учун, шунингдек 18 млн 300 минг сўми халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўшаб қолган ўринларга қайта сайловларда иштирок этиш учун ажратилган маблағлар, партия аъзолик бадалларидан 1 млрд 437 млн 505 минг сўм, ҳомийлик, хайрия тушумларидан 5 млрд 914 млн сўм ва йил якуни бўйича 259 млн 901 минг сўм бюджет маблағлари иқтисодидан тушган тушум ҳамда бошқа тушумлардан 1 млрд 585 минг сўм ҳисобланган.

2023 йилда жами 28 млрд 602 млн 51 минг сўм маблағ харажат қилинди. Шундан 2023 йилда қуйидаги йўналишлар бўйича маблағлар сарфланди:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш берувчининг ажратмалари – 18 млрд 499 млн 332 минг сўм;
- хизмат сафари харажатлар – 29 млн 668 минг сўм;
- дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатлар – 3 млрд 203 млн 438 минг сўм;
- асосий воситалар бўйича харажатлар (партияга оид) – 265 млн 371 минг сўм;
- товар-моддий захираларига харажатлар (партияга оид) – 86 млн 6 минг сўм;
- коммунал хизматларига харажатлар – 110 млн 478 минг сўм;
- телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари – 137 млн 24 минг сўм;
- ёнилғи ва ЁММ харажатлар – 160 млн 449 минг сўм;
- ижара харажатлари – 483 млн 809 минг сўм;
- сақлаб туриш ва жорий таъмирлашга харажатлар (компьютер, мебель, автоулов ва бошқа техника таъмири) – 218 млн 646 минг сўм;
- сайловларда иштирок этиш учун – 4 млрд 924 млн 63 минг сўм;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир харажатлар – 0 сўм;

- бошқа харажатлар (обуна, техосмотр, суғурта, банк хизматлари ва бошқа харажатлар) – 475 млн 781 минг сўм ҳамда давлат бюджетига қайтарилган маблағ 7 млн 986 минг сўмни ташкил қилди.

2024 йил 1 январь ҳолатига жами 1 млрд 24 млн 9 минг сўм маблағ қолдиқ қолган бўлиб, шундан, бюджетдан ташқари ҳисоб рақам қолдиғи 1 млрд 10 млн 498 минг сўм ҳамда корпоратив ҳисоб рақам қолдиғи 13 млн 511 минг сўмни ташкил қилган.

Партиянинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари 2023 йилда 7 млрд 619 млн 991 минг сўмни ташкил этган бўлиб, улардан 1 млрд 437 млн 505 минг сўми аъзолик бадалларидан шаклланган.

Партиянинг 2024 йилдаги бюджетига жами йил бошидаги қолдиқ маблағ билан биргаликда 21 млрд 533 млн 333 минг сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Шундан 19 млрд 52 млн 835 минг сўм давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, 1 млрд 10 млн 498 минг сўм бюджетдан ташқари ҳисоб рақамдаги қолдиқ маблағлар, 1 млрд 440 млн сўм аъзолик бадаллари тушумлари, ҳамда 30 млн сўм бошқа тушумлардир.

2024 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган харажатлар сметасининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Жумладан барча бўғинлардаги ижроия аппарати ходимларининг иш ҳақи ва рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар билан боғлиқ харажатларга 12% ижтимоий солиғи билан бирга 94% коммунал хизматлар, партия мулкани сақлаш, ижара ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга 5% бошқа харажатларга (дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатлар, банк харажатлари ва бошқалар) 1% фойза назарда тутилган.

2024 йилда бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган харажатлар сметасининг асосий кўрсаткичлари қуйидаги тартибда молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, бу микдор барча бўғинлардаги ижроия аппарати ходимларининг иш ҳақи ва рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар билан боғлиқ харажатларга 12% ижтимоий солиғи билан бирга 55% коммунал хизматлар, партия мулкани сақлаш, ижара ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга 13% фойза, партиявий тадбирларни ўтказиш, шу жумладан партия фаолларини ўқитиш, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларга 18% фойза, асосий воситалар, жумладан, автотранспорт воситалари, оргтехника, алоқа воситалари, мебель жиҳозлари, товар-моддий бойликларни харид қилиш учун 8% фойза, партия устав фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларга 6% фойзани ташкил этади.

Хабарингиз борми, нархлар ошди!

Ўзбекистонда электр энергияси, табиий ва суьлтирилган газ нархларини либераллаштирган ҳолда, уларнинг истеъмолчига ижтимоий нормалар жорий этилади. 16 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Бу ҳақда энергетика вазир ўринбосари Умид Мадминов ОАВ учун брифингда маълум қилди.

Энергоресурслар тарифлари қарийб 5 йилдан буён – 2019 йил августидан бери ўзгармай келаётган эди. Утган вақт давомида янги тарифларни жорий этиш турли сабаблар билан ортага суриб келинаётганди.

Айни пайтда электр энергиясининг таннархи қарийб 1000 сўми, табиий газ таннархи эса 2000 сўми ташкил этмоқда.

Қарор билан 1 майдан бошлаб маиший истеъмолчилар (аҳоли хонадонлари) учун қуйидагича ижтимоий (базавий) меъёрлар киритилади:

- электр энергияси – ойига 200 kWh гача;
- табиий газ (март – октябр ойларида) – ойига 100 кубометргача;
- табиий газ (ноябр – феврал ойларида) – ойига 500 кубометргача.

Географик ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида иситиш мавсуми республиканинг бошқа ҳудудларидан фарқи равишда октябр – февраль ойлари деб белгилади.

Ижтимоий меъёр доирасида аҳолига электр энергияси ва табиий газ имтиёзли нархларда етказиб берилади.

2024 ЙИЛ 1 МАЙДАН КУЧГА КИРАДИГАН ТАРИФЛАР:

Электр энергияси

Маиший истеъмолчилар учун тарифлар (1 kWh учун, ойига):

- ✓ 200 kWh гача – 450 сўм (ҳозирда 295 сўм);
- ✓ 201 kWh дан 1000 kWh гача – 900 сўм;
- ✓ 1001 kWh дан 5000 kWh гача – 1350 сўм;
- ✓ 5001 kWh дан 10 000 kWh гача – 1575 сўм;
- ✓ 10 001 kWh дан кейин – 1800 сўм.

Овқат тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталари билан жиҳозланган кўп қаватли уй-жойлар ва ётоқхоналарда яшовчи маиший истеъмолчилар белгиланган тарифларнинг 50 фоизи миқдориде тўлашда давом этади.

Истеъмолчиларнинг I ва II гуруҳлари (1000 сўм) ҳамда юридик шахслар учун (900 сўм) 2023 йил 1 октябрдан кучга кирган тарифлар 2024 йил 1 майдан кейин ўзгаришсиз қолади.

Табиий газ

Иситиш мавсумида – ноябрь-февраль ойларида аҳоли хонадонлари учун табиий газ тарифлари (1 кубометр учун, ойига):

- ✓ 500 кубометргача – 650 сўм (ҳозирда 380 сўм);
- ✓ 500 кубометрдан 2500 кубометргача – 1500 сўм;
- ✓ 2501 кубометрдан 5000 кубометргача – 1950 сўм;
- ✓ 5001 кубометрдан 10 000 кубометргача – 2275 сўм;
- ✓ 10 001 кубометрдан кейин – 2600 сўм.

Март – октябр ойларида:

- ✓ 100 кубометргача – 650 сўм;
- ✓ 101 кубометрдан 2500 кубометргача – 1500 сўм;
- ✓ 2501 кубометрдан 5000 кубометргача – 1950 сўм;
- ✓ 5001 кубометрдан 10 000 кубометргача – 2275 сўм;
- ✓ 10 001 кубометрдан кейин – 2600 сўм.

Суьлтирилган газ тарифи 1 кг учун 1600 сўм бўлади (ҳозирда 1120 сўм).

2024 йил 1 июндан бошлаб автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияларига табиий газ 1800 сўмдан етказиб берилади.

“ADOLAT” шарҳи



ЕРГА ОИД НИЗОЛАРНИ маъмурий судларда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари

Сўнгги йилларда маъмурий судларда фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилиниши баробарида ерга оид оммавий низолар кўрилиб, ҳал этилмоқда. Яъни, ерга оид низоларнинг аксарияти маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш масалаларидир.

Зайнабхон ЎРИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
судьялар олий мактаби тингловчиси

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тегишли органларнинг ваколатига тааллуқли масалалар судлар томонидан ҳал қилинмайди. Айталик, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасига асосан ер участкасини бериш (реализация қилиш) бўйича ваколатли органлар белгиланган. Хусусан, Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатига эга. Бу ваколатларни фақат шу органининг ўзига бажаради. Борди-ю, ваколатли давлат органи тегишли тартиб-таомилга риоя қилмаса ёки қонунга зид равишда ҳаракатланса, ушбу ҳара-

кат (ҳаракатсизлик) ёхуд ноқонуний қарор устидан маъмурий судларга мурожаат қилиниши мумкин. Бундан ташқари, маъмурий органининг объектни танлов ёки аукционга чиқаришга қадар амалга оширган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёхуд қарори билан боғлиқ оммавий-ҳуқуқий низолар маъмурий судларда кўриб чиқилиб, ҳал этилса, аукцион ёки танлов натижаси юзасидан вужудга келган низолар эса (масалан, битим, ким ошди савдосини ёки танловни ҳақиқий эмас деб топиш, битимни бекор қилиш, ўзгартириш) тегишсинча фуқаролик ишлари бўйича судлар ёки иқтисодий судларда кўриб чиқилади.

Ерга оид низо билан судга мурожаат этишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 31- ва 33-моддаларига асосан ерга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келганлиги ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида теналик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш, шу жумладан, туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий вакиллик ҳамда ижро ҳокимияти органлари томонидан мазкур фармонда назарда тутилганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратиш қатъиян тўхтатилган. Гарчи 2021 йил 16 августда Ер кодексининг 23-моддасига ўзгартириш киритилган бўлса-да, 2021 йил 9 июндан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимларининг ер участка-

ларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ажратиш (реализация қилиш) ваколати чекланган. Фуқаролар ва юридик шахслар ерга оид ўзларининг ҳуқуқларини бузётган қарор ёки хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) маъмурий органининг ваколати доирасида амалга оширилганлигига аҳамият қаратишлари лозим. Зеро, айрим маъмурий органларда ҳуқуқий билим ва салоҳияти етарли бўлмаган кадрлар ўзлари билмаган ҳолда фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларини бузишга сабаб бўлган қарор чиқаришлари, хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этиш ҳолатлари учраб туради. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 186-моддасига асосан маъмурий органининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичиде ариза (шикоят) билан маъмурий судга мурожаат қилишлари талаб этилади. Узрсиз сабабларга кўра муддатни ўтказиб юбориш эса манфаатдор шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланмаслигига олиб келади. Қонунларимиздаги мазкур қоидаларни билиш, уларга амал қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиб, эркин ва фаровон ҳаётнинг гарови ҳисобланади.

Ёшлар – қанотимиз

ВАТАНГА РУҳАН ПОК, МАЪНАН БОЙ, ЖИСМОНАН КУЧЛИ АВЛОД КЕРАК


Талабалик мақомига эришган йигит-қизлар олий даргоҳга келиб, атрофларидаги нотаниш, турфа феълли тенгдошлари орасидан ўзларига сирдош, дўст қидирадилар. Янги устозларнинг юриш-туришидан, панд-насиҳатларидан, берган сабоқларидан мазмун излайдилар. Бундай ҳаяжонли дамларда уларга йўл кўратувчи маслакдош керак бўлади. Бу масъулиятли вазифа бизнинг чекимизга тушган.

Дониёр ТОШПЎЛАТОВ,
НамДУнинг мактабгача, бошланғич таълим
ва жисмоний маданият факультети тютори

Мен ҳарбий кишиман. Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти (ҳозирги Куропли Кучлар Академияси)да таълим-тарбия олиб, Мудофаа вазирлигининг вилоятлардаги ҳарбий қисмларида бурчимни ўтаганман. Хизмат давомида взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Факулдада вазиятлар вазирлигининг вилоят бошқармасида турли лавозимларда фаолият олиб турган истеъфодаги майорман. Мана, уч йилдири, Наманган давлат университетининг «Мактабгача, бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети»нинг таълим-тарбия бўйича маслаҳатчиси – тютор вазифасида фаолият юритиб келмоқдаман. Менга 153 нафар талаба бириктирилган бўлиб, уларнинг 24 нафари қизлар ва 129 нафари ўғил болалар. Талабаларнинг 14 нафари грант асосида, бир нафари супер контракт ва 138 нафари контракт-тўлов асосида билим олмоқда. Албатта, улар характер жиҳатидан ҳар хил. Бири шаддод, бири мулойим, бири абжир, бири бошиқ ва ҳокзо. Бизга ана шундай турли феъл-ҳаракатдаги йигит-қизларни бир мақсад сари интилишга ундаш вазифаси юклатилган. Дарсдан ташқари

пайтда бўш қолган талабанинг шуғулланадиган фойдали машғулотли бўлмаसा ўзини ҳар томонга уради. Шунинг учун ҳар бир талабани яқка тартибда ўрганиб, ўзи мойил бўлган тўғрақларга жалб этиш билан бир қаторда санъат, спорт ва адабиётни севишга ҳамда маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишга йўналтиришимиз. Ёшлар жамаиятининг илгор бўлаги сифатида ҳуқуқий билимга эга бўлиши, миллий қадриятларга ҳурмат назари билан қарайдиган, моддий ва маънавий бойликларни кўз қорачиғиде асрайдиган, табиатга муҳаббатли, сиёсий билим жиҳатидан етук, ватанпарвар, инсоний бурч ва масъулиятни ҳис этадиган бўлиб шаклланиши керак. Ҳарбий характерга эга бўлганлигим учун талабалар тимсолида заковатни, жасуриликни, мағрурликни, жисмоний шижоатни кўргим келади.

Ҳамма нарсани вақт кўрсатади. Қилинган сайй-ҳаракатлар ҳеҳ қачон бесамар кетган эмас. Бироз вақт ўтиб, олий таълимдаги бир-бирдан қизиларни жараёнларни босиб ўтган талабалар ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчисига айланиб борадилар.



Дарҳақиқат, олиб борилган тарбиявий ишлар ўз самарасини бериб, утган 2023 йилда талабаларимиз кўплаб эсда қоларли воқеалар иштирокчисига айландилар. Ўзбекистон чемпионатида 89 нафар, Осиё чемпионатида 6 нафар, жаҳон чемпионатида 11 нафар талабаларимиз спортнинг у ёки бу тури бўйича совриндор бўлишиб, 217 нафар талаба турли разрядлар олишди. Жумладан, декабрь ойида Фарғона шаҳрида спортнинг «Универсал жанг» тури бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида жисмоний маданият йўналиши талабаси Раҳматуллоҳ Турсунпўлатов фахрли иккинчи ўринни кўлга киритди. Бухоро вилоятида ўтказилган «Беш ташаббус олимпиадаси»да иштирок этган волейболчи йигит-қизларимиз вилоятлар ичиде учинчи поғонани эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлишди.

Интеллектуал олимпиада синовининг финал босқичи иштирокчисига айланган талабаларимиз Тошкентдаги «Заковат арена»да ўтказилган яқуний босқичда учинчи ўринни эгаллаб, Президент мукофоти – 1 миллиард сўми кўлга киритишди. 2024 йилнинг дастлабки ойлари ҳам талабаларимиз учун муваффақиятларга бой ўтди. 24-27 февраль кунлари Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт саройида «Ўзбек ботирлари» халқаро мусобақасида 1-босқич талабаси (65 кг) Нурмухаммад Ҳайдаралиев учинчи ўринни, спортнинг кураш тури бўйича вилоят прокурори кубоги учун ўтказилган мусобақада 3-босқич талабаси Файзулло Тулабоев биринчи ўринни, «Пара дзюдо» бўйича вилоят биринчилигида 1-босқич талабаси Аъзамжон Муҳиддинов (60 кг) ва Тўйчибой

Аҳмадшероф (73 кг) биринчи ўринни кўлга киритишди. Истеъдодли ёшларни кўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жағмармаси томонидан ўтказилган «Мирзо Улуғбек воҳислари» Республика танловининг туман-шаҳар босқичида иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими қошидаги «Илмий-инновацион клуби» аъзолари таркибиде бўлган 76 нафар иқтидорли талаба ёшлар иштирок этиб, шундан 27 нафари энг юқори кўрсаткични кўлга киритди ва умумий миқдорда 45,9 миллион сўм пул мукофотини жағғаришди. «Заковат» интеллектуал ўйини бўйича Фарғона водийси жамоалари ўртасида чемпионлар кубоги баҳсида университетнинг «Пентагон» жамоаси ғолибликни кўлга киритди. Олий таълим муассалари ўртасида бўлиб ўтган

«Маърифат майдони» Республика танловининг вилоят босқичида «Ниҳол» жамоаси ғолиб келди. Университетнинг Халқаро ҳамкорлик ва рейтинг бўлими бошлиғи Жасур Исроилов бошчилигидаги делегация яқинда Қирғиз республикасининг Ўш давлат университетиде бўлиб ўтган «StudEXPO-2024 Computer science and design» форумиде иштирок этди ва ушбу форум доирасида ўтказилган дастурлаш ва мобил иловалар, робототехника, 3D графика ҳамда компьютер графикаси танловиде амалий математика йўналиши талабаси Муроджон Қодиров «Энг яхши дизайндаги ишланма» номинацияси бўйича ғолиб бўлиб, махсус сертификатни кўлга киритди. 14 апрель куни Тошкентдаги “Хумо арена” спорт мажмуасида профессионал бокс бўйича “IBA” “Чемпионлар оқшоми” халқаро мусобақасининг дастлабки жангида 75 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан талабамиз Аълохон Абдуллаев қозғистонлик Жаргал Отгонжаргал билан ўтказган олти раундли жангнинг 5-раундиде рақибини нокаутга учратган ҳолда муддатидан илгари ғалабага эришгани катта воқеа бўлди. Спортнинг кураш тури бўйича ўтказилган «Прокурор кубоги» вилоят беллашувида ҳам талабаларимиз ғолибликнинг юқори поғонасидан жой эгалладилар. Университетда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаоллари билан кенг камровли тадбирлар ўтказиб келинади. Жумладан, вилоят шифохоналарида даволанаётганлар ҳолидан хабар олиш ва кўнгилларга қувонч улаштириш мақсадида ўтказилган «Бор меҳрими сенга, болажон!» акциясида ёшларимиз фаоллик кўрсатишади. «Яшил макон» умумий миллий ҳаракати доирасида университетда «Экобог» барпо этилди. Бу бог айни пайтда дунёнинг етти минтақасида ўсадиган ноёб дарактлар билан бойитилган илмий масканга айланган. Бундан ташқари талаба ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маданий-маърифий ҳаётда иштирокини таъминлаш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил этилади. Мазкур жараёнларда улар таниқли ижодкорлар билан учрашишди, адиблар жиҳбониде, вилоят театрида ўтказиладиган адабий кечалар, театр томшаларида иштирок этадилар.



ЮНЕСКО Бош конференцияси сессиясига мамлакатимиз мезбонлик қилиши ўзбекистон учун катта ишонч ва масъулиятдир

Ўзбекистон – ЮНЕСКО: ҳамкорлик алоқалари, истиқболли режалар ва Самарқандда ўтказиладиган олий анжуманнинг аҳамияти ҳақида суҳбат

Маълумки, 2023 йил 7-22 ноябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессияси якунида унинг навбатдаги, 43-сессиясини 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича тарихий қарор қабул қилинди. Ушбу қарорни ташкилотга аъзо 194 давлатнинг барчаси қўллаб-қувватлади. Бу эса сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган тизимли ислохотларга берилган юксак баҳодир.

Шу муносабат билан ушбу тарихий қарор ва умуман, Ўзбекистон – ЮНЕСКО алоқалари тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари, сўсий фанлар доктори, профессор Қодир ЖўРАЕВ билан суҳбатлашдик.

– Аввало, ЮНЕСКО ташкилоти ҳақида, унинг дунёда тугган ўрни ва фаолияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– ЮНЕСКО БМТнинг ихтисослашган муассасаларидан бири бўлиб, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, 1946 йил ташкил қилинган. Ташкилотнинг асл мақсади аъзо мамлакатларда таълим, фан, маданият ва ахборот-коммуникация соҳаларини ривожлантиришдан иборат. Бош қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган. ЮНЕСКО норасмий равишда “БМТнинг ақл лабораторияси” деб аталади. Улуғ ҳинд мутафаккири ва давлат арбоби Жавоҳарлал Неру ўз вақтида ЮНЕСКОга “инсониятнинг виждони”, деб таъриф берган эди.

Ҳозирда ЮНЕСКОга 194 мамлакат аъзо. Яна 12 та мамлакат ва худудлар ассоциатив аъзо мақомига эга. Бугунги кунда 400дан ортиқ халқаро ноҳукумат ташкилотлар ва жамғармалар, халқаро ва худудий бирлашмалар ЮНЕСКО билан ҳамкорлик қилади.

– Ўзбекистон ЮНЕСКО билан қайси соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда ва сиз ушбу ҳамкорликни қандай баҳолайсиз?

– Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКОга 1993 йил 26 октябрда аъзо бўлиб кирган. 1996 йилдан бери Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ташкилотга аъзо давлатлар ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия тузиши ва шу комиссия орқали алоқаларини мувофиқлаштириб бориши лозим. Шу нуқтаи назардан 1994 йил 29 декабрда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ташкил этилди.

Ўтган давр мубайнида Ўзбекистон ЮНЕСКО билан тури йўналишларида самарали ҳамкорлик қилиб келди. Бу борада, энг аввало, ЮНЕСКО томонидан 1992-2001 йиллар давомида нашр этилган «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» китобини нашрга тайёрлашда ўнлаб давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистонлик тарихчи ва археолог олимлар фаол қатнашганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Яна бир йўналиш, бу ЮНЕСКОнинг юбилей саналарни нишонлаш бўйича фаолиятидир. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг қадим тарихи билан боғлиқ саналарни ЮНЕСКО раҳнамолигида кенг нишонлаш мамлакатимиз ҳали мустақил бўлишдан олдин бошланган эди. Мисол тариқасида ЮНЕСКО доирасида нишонланган Абу Райҳон Беруний (1973) ва Абу Али Ибн Сино (1980) таваллудининг 1000 йиллигини келтириш мумкин. Мустақиллик йилларида эса бу аънана янада ривожланиб, 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи доирасида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Амир Темур ҳафталиги, илмий конференция ва кўргазма ташкил этилди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликнинг кейинги йўналиши бу кадрлар тайёрлаш салоҳиятини оширишга бевосита


ёрдам кўрсатиш мақсадида мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ташкил этилган ЮНЕСКО кафедраларидир. Ортимиздаги етакчи олий таълим муассасаларида ЮНЕСКОнинг “Дунё динларини қиёслама тадқиқ этиш”, “Сув дипломатияси, сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳит муҳофазаси”, “Маданият туризми” каби кафедралари фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, қатор тарихий шаҳарларимиз ва буюк алломаларимизнинг юбилейлари нишонланди. 2023 йил сентябрда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1150 йиллиги нишонланди. ЮНЕСКО халқаро юбилейларининг кейинги икки йиллик рўйхатида “Девони луготит турк” асарининг 950 йиллиги ҳамда қорақалпоқ шоири Ажниниз Қосибай ўғлининг 200 йиллиги кiritилди.

Бундан ташқари, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Шарқ тараоналари” халқаро мусиқа фестивали, фольклор, бахшичилик санъати, хунармандчилик, мақом санъати фестиваллари ЮНЕСКО шафёлигида ўтказиб келинмоқда.

– Кейинги йилларда Ўзбекистондаги турли қадамжолар ва асори-атиқалар ЮНЕСКО рўйхатига киритилмоқда. Ана шу рўйхатлар ва уларга киритилган объектлар ҳақида маълумот берсангиз.

– Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ЮНЕСКО билан икки томонлама муносабатларида ЮНЕСКОнинг халқаро рўйхатлари алоҳида ўрин тутди. Бу борада бир қатор рўйхат ва регистрларни алоҳида санаб ўтиш мумкин. Жумладан, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига шу пайтга қадар Ўзбекистондаги 5 та объект киритилган бўлиб, булар – Хивадаги Ичан қалъа мажмуаси, Бухоро шаҳрининг тарихий



маркази, Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази, Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси ҳамда Буюк ипак йўлининг Зарафшон-Қорақум коридори.


Таъкидлаш жоизки, “Ипак йўли: Зарафшон-Қорақум коридори” (Silk Roads: Zarafshan-Karakum Corridor)



2023 йилда киритилган бўлиб, унинг номзодномаси Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон томонидан ҳамкорликда тақдим этилди. Мазкур номзодномага киритилган жами 31 та тарихий обида турли даврларда бунёд этилган бўлиб, Буюк ипак йўлида жойлашган. Улар Марказий Осиё халқларининг бой маданий-тарихий мероси дурдоналари ҳисобланади. Уларнинг 15 таси Ўзбекистон, 9 таси Тожикистон ва 7 таси Туркменистон худудида жойлашган.

Ўзбекистон худудида жойлашган 15 обида куйидагилардан иборат: Жарпета оташпарастлар ибодатхонаси, Сулаймонтепа, Қофирқалъа кўрғони, Дабуссия кўрғони, Қосим Шайх меъморий мажмуаси, Мирсаид Баҳром мақбараси, Работи Малик қарвонсаройи ва Сардоба, Деггарон масжиди, Чашмаи Айноб мақбараси, Вардонзе кўрғони, Вобкент минораси, Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси, Чор Бақр некрополи, Варахша кўрғони ҳамда Пойкент кўрғони.

ЮНЕСКОнинг яна бир рўйхати бу Инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхати деб номланади. Ушбу рўйхатга ўзбек халқи номоддий маданий меросининг 14 та элементи (шундан 10 таси 2016 йилдан кейин) киритилган. Булар – Шошмақом (Тожикистон билан биргаликда), Бойсун маданий аънналари, Катта ашула, Аския узукколик санъати, Палов билан боғлиқ маданият ва аънналари, Наврўз байрамини нишонлаш аънналари (минтақа мамлакатлари билан биргаликда), Марғилон хунармандчилиги ривожлантириш маркази: атлас ва ад-



рас тайёрлашнинг аънанавий технологияларини сақлаш, Лазги, Миниятура санъати, Бахшичилик, Ипакчилик ва аънанавий ипак тайёрлаш санъати, Хўжа Насриддин ҳақидаги аънанавий ҳикоялар, Ўзбекистон кулочилиги санъати, Иллюминация санъати:

нақшолик (Озарбайжон, Тожикистон, Туркия ва Эрон билан биргаликда), Ифторлик ва унинг ижтимоий-маданий аънналари (Озарбайжон, Туркия ва Эрон билан биргаликда).

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон табиий мероси рўйхати ҳам мавжуд бўлиб, бу рўйхатга Ўзбекистоннинг иккита объекти киритилган. Булар Фарбий Тянь-Шань (2016) ҳамда “Турон чўллари” (2023)дир.

ЮНЕСКО “Жаҳон хотираси” реестри 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади ҳужжатли мерос – қоғоз, аудиовизуал, рақамли ёки бошқа ҳар қандай форматдаги муҳим ва доимий қийматга эга бўлган ҳужжатлар ёки ҳужжатлар тўпламининг қайтариб бўлмайдиган йўқотилишининг олдини олиш, авайлаб асраш ва кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

2023 йилга қадар ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” реестрига Ўзбекистон Республикасидан Тошкент шаҳрида сақланаётган Муқаддас Усмон Кўрғони, Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган кўл-ёзмалар тўплами, Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари киритилган эди. 2023 йилда эса Ўзбекистон тарихига оид яна 2 та ҳужжатлар тўплами – Мавлоно кулбаи ва Бухоро амирлигининг Қушбеги маъмурияти архивлари тўплами ушбу реестрга киритилди.

Яна бир муҳим йўналиш ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон биосфера қўриқхоналари тармоғи бўлиб, унга Ўзбекистоннинг 2 та объекти киритилган. Булар – Чотқол давлат биосфера резервати (1978) ва Қуйи Амударё давлат биосфера резервати (2021).



– Сўнгги йилларда Ўзбекистон – ЮНЕСКО алоқаларида яққол жонлашиш ва фаоллик сезилмоқда. Икки томонлама ва кўп томонлама турли тadbirlar ўтказилмоқда ва ҳамкорликда режалар тузилмоқда. Шулар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.



“Ипак йўли: Зарафшон-Қорақум коридори” (Silk Roads: Zarafshan-Karakum Corridor) 2023 йилда киритилган бўлиб, унинг номзодномаси Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон томонидан ҳамкорликда тақдим этилди. Мазкур номзодномага киритилган жами 31 та тарихий обида турли даврларда бунёд этилган бўлиб, Буюк ипак йўлида жойлашган. Улар Марказий Осиё халқларининг бой маданий-тарихий мероси дурдоналари ҳисобланади. Уларнинг 15 таси Ўзбекистон, 9 таси Тожикистон ва 7 таси Туркменистон худудида жойлашган.

– Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизнинг обрў-нуфузини янада юксалтиришда, унинг жаҳон ҳамжамияти билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлигини янада кенгайтиришда ЮНЕСКО муҳим платформа вазифасини ўтаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКО Бош директори О.Азуле билан уч марта учрашди. Бунинг натижасида 2017-2023 йилларда миллий маданий меросимизнинг 14 та ноёб намунаси ЮНЕСКОнинг юқорида қайд этилган рўйхатларидан жой олиб, инсоният мероси сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Бухоро шаҳри Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритилди.

2022 йилда Ўзбекистон тарихида илк бор 2022-2026 йилларга мўлжалланган ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросини муҳофиза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитаси аъзолигига сайланди.

2022 йил 14-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО Бош директори О.Азуле ҳамда дунёнинг 150 га яқин давлати вакиллари ва халқаро ташкилотлар мутасаддилари иштирокида ЮНЕСКОнинг мактабгача таълим ва тарбия масалалари бўйича иккинчи Бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ҳозирга қадар ЮНЕСКОнинг 10 та халқаро конвенциясига қўшилган. Яна бир муҳим янгиллик: 2023 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда сунъий интеллект соҳасида одоб-ахлоқни тарғиб этиш орқали илмий мулоқотни рағбатлантириш бўйича Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО – Ўзбекистон халқаро мукофоти таъсис этилди.

– Маълумки, 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилади. Ушбу олий анжуманга тайёргарлик ишлари қандай, ундан қандай натижалар кутилмоқда?

– Таъкидлаш жоизки, Бош конференция ЮНЕСКОнинг олий органи бўлиб, унинг сессиялари ҳар икки йилда бир марта бўлиб ўтди. Ўтган 40 йилдан ортиқ вақт давомида Бош конференция сессиялари фақат Париж шаҳрида ўтказиб келинган. Фақатгина 1985 йил Болгариянинг София шаҳрида бўлиб ўтган.

Албатта, ЮНЕСКО Бош конферен-

цияси 43-сессиясининг бош қароргоҳи сифатида Самарқанд шаҳри танлаб олинди бежиз эмас, бунда чуқур рамзий маъно мужассам. Зеро, ушбу кўхна ва ҳамма навқирон шаҳар азал-азалдан тарихий учрашувлар, тамаддулар мулоқоти маркази бўлиб келган. Бу ерда турли маданиятлар ўзаро учрашиб, бир-бирини тўлдириб, бойитиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Самарқандда ўтказиладиган ушбу олий анжуманга тайёргарлик ишлари ҳозирдан оқибатга юборилди. 2024 йил 15 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик қилиш бўйича қара-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат нуфузли халқаро анжуманни юқори савияда ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик қилиши қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорда тайёргарлик билан бирга, ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб берилди. Хусусан, мамлакатимизнинг Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлиши учун расмий арiza топширилади. Ўзбекистондаги шаҳарлар, ноёб маданий ва табиий мерос объектиларини тегишлича ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар ҳамда Таълимни тарғиб этувчи шаҳарлар тармоқларига ҳамда бошқа халқаро рўйхатларга киритиш чоралари қўрилади.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 ва 1997 йилларда бўлиб ўтган 28 ва 29-сессиялари шахсан иштирокчиси сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, ушбу олий анжуман, ҳақиқатан ҳам йирик оламшумул воқелик ҳисобланади. Зеро, унда “инсониятнинг виждони” бўлиши ЮНЕСКО ташкилотининг стратегик мақсад ва вазифалари қабул қилинади. Қолаверса, олий анжуман ишида ташкилотга аъзо барча давлатларнинг нуфузли делегациялари билан бирга ЮНЕСКО раҳбарияти ҳам тўлиқ таркибда иштирок этади.

Самарқандда бўлиб ўтадиган анжуманнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, у ЮНЕСКО ташкилотининг 80 йиллик юбилейи билан ҳамроҳанг тарзда ўтказилади. Шу аснода тузилмавий ўтган давр мубайнидаги фаолиятни ўтган давр мубайнидаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинади. Қолаверса, ЮНЕСКО янги Бош директорининг айнан Самарқанд шаҳрида сайланиши ҳам бўлажак анжуманнинг нуфузини янада оширади.

Олий анжуман асносида Ўзбекистоннинг маданий-тарихий, илмий-маърифий, туристик имкониятлари, унинг дунё тамаддунига қўшган оламшумул ҳиссаси дунё ҳамжамиятига яна бир бор намоён этилади. Бир сўз билан айтганда, ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясига мамлакатимиз мезбонлик қилиши, ҳеч шубҳасиз, бу Ўзбекистон учун катта ишонч, айни пайтда маъсулият ҳамдир. ЮНЕСКОнинг мазкур қарори Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи юксалиб, жаҳон ҳамжамиятининг ўз ўрни ва сўзига эга бўлган фаол аъзосига айланиб бораётганидан, тинчлик ва барқарор тараққиёт руҳидаги “Самарқанд овози” тобора баландроқ янграётганидан далолат беради.

– Мазмунли суҳбат ва берган маълумотларингиз учун ташаккур!

ЎЗА мухбири
Мухтарам КОМИЛОВА
суҳбатлашди

Бугуннинг гапи

Хафтанинг
бир куни
"СЕРИАЛЛРСИЗ
КУН"
деб белгиланса...

"СЕРИАЛЛАР ХОТИНИМНИ
АСАБИЙ ҚИЛИБ ҚЎЙДИ"

Бугунги кунда ёшу қарининг қўлида телефон. Унда тарқатилаётган асабларни зўриқтирувчи, оилалар орасига рахна солувчи ҳаволалар ва телеэкранда намоийш қилинаётган савияси паст сериаллар турмушдаги ижобий муҳитни издан чиқаришга хизмат қилаётгани сир эмас. Бу ҳолатлар ёш оилаларнинг мурасасизлигига, ажралишларга, фарзандлар тарбиясининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон журналистлари уюشمаси аъзоси

Яқинда суҳбат чоғида ёши бир жойга бориб қолган кишининг аризи-ҳолини эшитиб лол қолдим. Ташқун кайфиятдаги бу одамнинг сўзларини сизнинг ҳужмингизга ҳавола қилиб, тегишли хулоса чиқаришга чакирмоқчиман.



Сериаллардаги уруш-жанжалларга қўшилиб, ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қолаган.

"Тўғриси айтганда, хотиним телевизордаги сериалларга маҳлиё бўлиб, юз фоиз ёмон томонга ўзгарди. Илгари у содда, самимий, кўнглида кири йўқ, мулоим, юзида фариштаси бор, кўзимга тик қарамайдиган, рўзгорга баракка киритадиган, тежамкор аёл эди. Кўчадан уйга хориб-чарчаб келганимда: «Дадаси, яхши келдингизми?» дея қўлини кўксига қўйиб турарди. «Қандай овқат қилдинг?» десам, «Палов дамлаб қўйганман», дерди. Меҳр билан пиширган палови менга хуш ёқарди. Маҳаллада, қариндошларникида аёллар йўриги бўлса, хотиним палов дамларди. Қатлама пиширишни ҳам қўйиллатарди. Қошига қўйилган ўсма ям-яшил майсазорни, қўлига қўйган хина лозороний эслатарди. Кўнглимни кўтариш учун яхши гаплардан гапирарди. Қўшнилари билан иноқ, тўй-маъракаларда ҳамдам, ҳаммаслак, кўмакчи эди. Ака-укаларим, сингилларим ашиқ қоқиб, келиб қолишса, дарров чиройли кўрпачалар солиб, ортига ёстиқ қўйиб хўрмат кўрсатарди. Дастурхон ёзиб, ўз қўли билан тайёрлаган анжирли мураббо-ю, ўрик, олвали шарбатлардан келтириб қўярди. Тандирда ёлган нону жиззали патирини баҳам кўрарди. Токи улар бир пилёдан чой ичиб, мен билан суҳбатлашиб ўтиргунга қадар мазали таом пишириб келарди. Улар «турайлик энди», дейишса, олдиларини тўсиб, «яна бирпас ўтиринлар, ош қилиб бераман», дерди. Укаларим мамнун ҳолда хайрлашиб кетишгандан сўнг «унисига ундок, бунисига бундок ёрдам беринг», деб ундаб турарди. Қўйинг-ки, барча яқинларимни эъозларди. Қариндошларим ҳам: «Шу келинимиз жуда ажойиб-да», дея мақташарди менга. Бундан мамнун бўлардим.

Узим темиртирноқ, ғайратли, ишида унуми бор аёл эди. Уйдаги экиш-тиқини бир ўзи қилиб қўярди. Баҳор фасли бошланиши билан ҳовли четига гул, райхон экар, резавор учун картошка қадаб, турли кўкат уруғларидан селиб, қилган ишидан қувониб юрарди. Сигир соғиб, турли сутли таомлар пиширарди, қатиқ, қаймоқ тайёрларди. Товуқ боқиб, тухум йиғиб қўярди.

Аммо... телевизорда маза-матрасиз, ҳаёсиз сериаллар намоийш қилина бошлагандан кейин ҳаммаси чаппасига айланиб кетди. Бора-бора ишдан келсам, бепарво бўладиган, «Яхши келдингизми?» дейишга ярамайдиган бўлиб қолди. «Овқат қилдингми?» десам, тумтаядиган, кечаги овқатни иситиб келадиган бўлди. Дастурхондан файз, турмушдан ҳаловат кўтарилган. Гаплари совуқ, асабий. «Шу телевизорни камроқ кўринг, сериаллар сени ақлдан оздиради, болаларнинг тарбия-

ёли сериалларда, телевизорнинг овозини баланд кўтариб қўяди. Маърифий кўрсатувларни кўриб турсам, «овозини пасайтириб қўйинг, менга ёқмайди», деб ўшқиради. Нима қилишга бошим қотган. Шартта ташлаб, бирор ёққа чиқиб кетай десам, эшитган қулоқ нима дейди, деган андиша йўл бермайди. Мамлакатимизда ойнаинг бир куни «автомобилсиз кун» этиб белгиланди. Бундан мақсад ҳавони заҳарли газ чиқиндиларидан тозалаш экан. Шунга монанд хафтанинг бир кунини «сериалларсиз кун» деб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу билан ақалли хафтасига бир кун бўлса ҳам инсонлар онгини заҳарланишдан асраган бўлардики...

Ақанинг аризи-ҳолини эшитиб, бошим қотди. Бугунги кунда оилавий мижозларнинг ва ажримларнинг келиб чиқишига ижтимоий тармоқ ва телесериаллардаги бемаъни сахналар ҳам сабаб бўлаётганига шубҳам йўқ. Ижтимоий тармоқда мантисиз сериалларга нисбатан берилётган муносабатларни ўқиб, гумонларим тўғри эканини англадим. Шахсан мен сериал кўрмайман. Лекин уларга нисбатан зиёли қатлам қандай фикрда эканини билиш мақсадида ижтимоий тармоқларни кўздан кечирдим ва қаламга олинган мавзуга дахлдор фикрлардан иқтибослар келтиришга жазм этдим.

«Сериаллар қайси давлатники бўлишидан қатъи назар, муносабатим яхши эмас, – дебди адабиётшунос Муҳайё Йўлдош. – Чунки давомий бўлган нарсанинг бошқарувда аҳамияти катта. Одамни эргаштириш, фикрини ўзгартириш, тарбияси, ахлоқига таъсир қилиш йўли давомли жараёндир. «Томчи тошни тешади», деган мақол бежиз эмас. Мен сериалларни заҳарли томчига ухшатаман. Исталган миллатни ўз қиёфасидан, ахлоқий тутумларидан, қонуниятларидан, қадриятларидан бегона қилади».

Ёш режиссёр Бахтиёр Сафаров: «Тан олиш керак, сериалларимизда тарбиявий аҳамиятга эга сахналар, таъсирли диалоглар ҳам бор. Лекин одамни асабийлаштириб, жазавога туширадиган эпизодлар бисёр. Гонорари қиммат ва қадри баланд бўлган актёрлар ҳам сифатли фильмлар йўқлиги ҳамда пул учун сериалларда суратга тушишга мажбур бўлмоқда. Улар ҳам оиласини боқиб, тирикчилик қилиши керак, яхши киноларга тақлиф қутиб, вақтини ўтказмайди-ку. Шу сабаб кўплаб профессионал актёрларнинг даражаси тушиб кетяпти. Ҳозир «ўзбек сериалларини кўрмайман», деган гапни кўпчиликдан эшитамиз. Узини хўрмат қиладиган, ўз устида ишлайдиган, вақтини қадрлайдиган аудитория, яъни зиёли қатлам ўзбек сериалини кўрмаяпти. Бу – ҳақиқат!»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шодия Абдуқодирова: «Авваллари ҳар бир телеканалда бадиий кенгаш бўларди. Ҳозирги кунда борми ёки йўқ, билмайман. Агар мавжуд бўлса, уларнинг фаолиятини кучайтириш керак. Негаки, бугунги сериалларнинг бадиий жиҳатдан

савиясини, этика-эстетика ва менталитетга тўғри келмайдиган сахналарини назорат қилиш зарур. Савия жуда ҳам пасайиб кетган. Бир хил мавзулар, фаҳш ва ваҳшийлик тасвирланган сахналар томошабинни зериктиради, дийдасини қотиради».

Ҳа, дарвоқе, маъносиз ҳаёт, пул, бойлик, зебу-зийнат ва айшу ишрат айрим аёллар учун оиладан, фарзандлардан устун бўлиб қолгани бор гап. Бунинг исботини ҳаётда кўриб турибмиз. Пойтахтдан қайта туриб, доволга йўл олишдан аввал бир дўстимиз уйда меҳмонда бўлди. У киши бизни йўлга кузатиб қўйишдан олдин шаҳардаги тамаддиҳонага бошлаб борди. Тамаддиҳонада бўш жой йўқ. Амаллаб тўрт кишилик жой ҳозирлаган дўстимиз бизни яхши таом билан сўйледи. Чиқшида атрофда раэм солсам, асосий ўринларни аёллар эгаллаб олган ва боз устига айримларнинг олдидан спиртли ичимлик ишшлари турарди. Мен мезбон биродаримизга синчков назар ташладим, у киши бош чайқади. Ташқарига чиққанда: «Бўлди, иккинчи бу ерга қадам босмайман!», деди. Бундай аҳволни бошқа ресторон ва ошхоналарда ҳам учратганман. Ҳатто умра ва ҳаж ибодатини адо этиб келган тўп-тўп аёллар «аёл», «ўтириш» ташиқ қилиб, машаътозлик қилаётган ҳолларга дуч келганман. Уларни ёмон иллатдан ва бидъатлардан қайтара олаётган кишилар борми, йўқми – билмайман. Балки уларнинг бу юришларидан ўзга юртларда қора терга ботиб ишлаб юрган эрлари беҳабардир. Балки эрлар «ойшмач»лариники бундай хўрмача қилқиларидан зерикиб, борса-келмаса бош олиб кетишгандир.

Баъзи аёллар енгил йўлни танлаб, пул ишқиди на эрини, на қайнота-қайнонасини менсимай, болаларини чирқиратиб, қонуний «зағос»ларини уздириб, эрни судга бериб, алимент ундириб, ўзи хон, қўланқаси майдон бўлиб яшашни афзал кўрмоқда. Судга алимент ундириш ҳақида ариза ташласа бўлди. Суд ҳукми чиқариб, эрни жавобгарликка тортди. Кимга маза, кимга аза бошланади. Қораланган бечора эр уйланолмайди, бирор жойда ишлаб, ёлчибти маош ололмайди. Юриш-туришида ҳаловат йўқ.

Маълумотларга кўра, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига 283,8 мингта жуфтлик никоҳдан ўтиб, шундан 49,2 мингтаси ажралиб кетибди. Бу яхшилик аломати эмас, албатта. Бу масалада маҳалла, жамоатчилик, имомлар қанчалик панд-насихат қилмасин, қор қилмаяпти. Ҳаммасига сабаб онг ва фикрнинг бузилганида. Натижада ўртадаги фарзандлар сарсон бўлмоқда. Ота тарбиясини кўрмай ўсган фарзандлар ўзбилармон, бетгачопар бўлиб вояга етмоқда. Бу ҳолат ҳам эртага ўзига яраша бир муаммонни вужудга келтиради. Бўш келсанг, бошинга чиқади, дегани шу бўлса керак. Илмсиз, одобсиз ва ҳаёсиз аёллар ҳуқуқларини рўқач қилиб, ўзларини эркақлардан устун туттишаётгани яхшилик аломати эмас.

Ахир миллатнинг келажаги аёлларимиз қўлида. Улар ўқимишан, тарбиялан, ориятлан, ширинсўз бўлишсагина, миллат болааси ваташпарвар, ҳақпарвар, маънавиятни бўлиб вояга етди. Юртзёналарни, олимлар, таниқли санъаткорлар куйинчақлик билан ҳаётимизда содир бўлаётган айрим иллатларнинг олдинини олшига чақирсалар-да, бунга нисбатан на телевидение раҳбарлари, на тегишли идоралар вакиллари ҳеч қандай чора-тадбир кўрмаяпти. Мустақил юртда ким нима хоҳласа қилиб, қандай хоҳласа шундай яшайди, деган жойи борми? Наҳотки манфаат, пул қадриятларимиздан, маданият ва маънавиятимиздан, миллий урф-одатларимизу шаънимиздан устун турса?!

Ибрат


Азизлар,
ҳали кеч эмас!

- Рим сенатори Маркус Като 80 ёшида юнон тилини ўрганган.
- Сукрот 70 ёшида кўплаб чолғу асбобларида чалишни ўрганган ва бу санъатни мукамал эгаллашга муваффақ бўлган.
- Микеланжело ўзининг энг машҳур расмларини 80 ёшида чизган.
- Гёте 80 ёшида "Фауст" асарини ёзди.
- Немис тарихчиси Леопольд Ранке 91 ёшида "Жаҳон тарихи" асарини ёзиб тугатди.
- Исаак Ньютон 85 ёшида ҳам тинимсиз илмий фаолият билан банд эди.
- Лев Толстой 82 ёшида ўтти шундай ўрганки, ёш ўроқчилар унга ета олмаган. "Уруш ва тинчлик" романининг оппоқ соқолли муаллифи шу мўътабар ёшида конькида учарди, велосипедда, отда сайр қиларди ва тўппонча билан (бир оёғида) 40 мартадан кўпроқ ўтириб-туришни машқ қиларди.
- Америка фуқароси, бастакор ва дирижёр Игор Стравинский 88 ёшгача ишлаган.
- Шоир Берангер 77 ёшгача ижод қилди;
- Виктор Гюго – 83 ёшгача;
- Академик Иван Павлов – 87 ёшгача;
- Қадимги юнон драматурги Софокл – 90 ёшгача.
- Файласуфлар Диоген ва Демокрит, рассомлар Тиан ва Микеланжело саксон ёшга тўлгандан кейин ҳам ижодий фаол эди;
- Бернард Шоу 94 ёшгача ишлаган...

Айтганча, яқинда америкалик олимлар европалик ҳамкасблари билан биргаликда шов-шувли каифи-ётни эълон қилишди:

Маълум бўлишича, инсон мияси аввал айтилганидек, 25-30 ёшгача эмас, балки 50 ёшгача ривожланади. Бундан ташқари, агар одам фаол ақлий фаолият билан шуғулланишида давом этса, мия қариши деярли содир бўлмайди!

Буларнинг барчаси нима учун?



Фақат бир нарса: "Кексалик" деган касаллик йўқ, фақат нотўғри психологик қарашлар мавжуд.

Таниқли психиатр Даниел Амен: "Эшитганингизнинг ҳаммасига ишонманг, ҳатто ўз бошингизда бўлса ҳам", деб маслаҳат беради.

Ҳаётимиздаги энг катта тўсиқлар ва тўсиқларнинг барчаси бизнинг ичимизда.

Уларни бузинг!

Бизнинг руҳимиз, ички кучларимизнинг ёши йўқ. Биз тирик эканмиз, бизда ҳали ҳам юқорига кўтарилиш имконияти мавжуд – руҳий юксалиш йўлида ҳеч бўлмаганда яна бир баландлик кўтарилши.

Яхши вақтларни кутманг – фақат битта яхши вақт бўлиши мумкин.

У "ҲОЗИР" деб аталади.

Ижтимоий тармоқлардан олинди

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
"Адолат" СДП
Сниёсий
Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА	Қодир ЖўРАЕВ
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ	Зухра ИБРАГИМОВА
Наримон УМАРОВ	Тошқўлат МАТИБАЕВ
Мухаммад АЛИН	Тальят МУРОДОВ
Гавҳар АЛИМОВА	Абдуқамол РАҲМОНОВ
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА	Собир ТУРСУНОВ

Бўлимлар:
Котибят – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Навтатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев

ISSN 2091-5217

72091521009

Таҳрират манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани "Шарк тоғи" кўчаси, 23-уй.

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буғуртма Г – 400

Адади – 3008
Босингга топширилган вақти – 21.00
Босингга топширилган вақти – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳриратга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарк" НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.